



МАКТАБЛАРДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 28 август куни мактабларда таълим сифатини ошириш, ўқувчи ўрнини кўпайтириш ва ўқитувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

“Янги Ўзбекистон — мактаб оstonасидан бошланади”, деган эзгу гоя асосида бу соҳада катта ишлар амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда юзлаб замонавий мактаблар барпо этилди. Президент мактаблари, ижод мактаблари ҳаётимизга кириб келди, ихтисослаштирилган мактаблар тармоғи кенгайтирилди. Янги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратилди.

Ўқитувчи ва мураббийларнинг меҳнат шaroитларини яхшилаш, малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўтган даврда муаллимларнинг ойлик иш ҳақи ўртача 2,5 баравар ошди.

Жумладан, чет тили, ахборот технологиялари, математика, кимё, биология бўйича миллий ва халқаро сертификат бор ўқитувчиларга устама, чекка ҳудудга бориб ишлаган муаллимларга алоҳида тўлов жорий этилди. Наттижада 6 миллион сўмдан 10 миллион сўмгача маош оладиган ўқитувчилар сони 23 мингга етди, 10 миллион сўмдан юқори ойлик олувчилар 1 мингдан ошди.

Мактаблар юкласини камайитириш мақсадида 700 миң ўқувчи ўрни яратилди. Бу — аввалги йилларга нисбатан 15 баравар кўп. Олий таълимда ҳам қарамов 4 баробар оширилиб, ёшлар учун имкониятлар кенгайтирилди.

Шу билан бирга, мактаб таълими соҳасида долзарб масалалар ҳали кўп. Бугунги кунда бошланғич синфларда 11 та, юқори синфларда 16 та фан ўтилади. Лекин ўқувчилар аниқ бир йўналишда чуқур билимга эга бўлмай, мактабни битирибди.

Ўтган йили 220 миң муаллимдан 86 миң нафарни ёки 37 фоизининг билим ва кўникмаси “қоникорсиз” баҳоланган. Бу ҳол, айниқса, ҳозир талаб юқори бўлган информатика, инглиз тили, физика, математика ва кимё фани ўқитувчиларида бўлгани ташвишли.

Охириги олти йилда юртимизда 320 миң хонадонли янги уй-жойлар барпо этилган. Лекин уларга мос қувватда мактаблар қурилмаган. Янги масив ва маҳаллаларда ҳозирнинг ўзида 350 миң ўринли мактабларга талаб бор. Мавжуд мактаблар инфрауқуламсини яхшилаш бўйича ҳам вазифалар кўп.

Сўнгги йилларда 70 миң ўринли 350 та хусусий мактаб ташкил этилган. Аммо қўллаб-қувватлашда бу борадаги ишлар етарли эмас.

Шу каби тахлилларни қайд этар экан, давлатимиз раҳбари мактабларни ҳам мазмун, ҳам шарoит жаҳатидан яхшилаш бўйича янги ташаббусларни билдирди.

Аввало, таълим сифатини ошириш мақсадида республика бўйича 500 та мактабда Президент мактаби ва ихтисослашган мактаблар ўқув дастури ҳамда баҳолаш тизими жорий этилади. Бир йилда уларнинг иши баҳоланиб, янги тизимни самарали қўллаган ўқитувчиларга 40 фоизгача устама берилди. Келгуси беш йилда ушбу тизим барча мактабларда жорий қилинади.

Бу йил мактабларда дарс бериш учун хориждан 500 нафар “тил эгалари” тақлиф этилган. Кейинги йилларда улар яна кўпаяди. Шу боис, ҳокимликларга чет эллик ўқитувчиларнинг уй-жой масаласини ҳал қилиш топширилди.

Юқори синфда ўқитиладиган фанлар 16 тадан 11 тага қисқаради. Бунда, 10-11-синф ўқувчиларига “кимё — биология”, “математика — физика”, “математика — чет тили”, “она тили ва адабиёт — чет тили” фанлари уларнинг танлов асосида қўшурилади.

Касб-хунаар эгаллаш истагидаги ўқувчиларга эса мактабнинг ўзида тайёр мутахассис бўлиб етишиш имконияти яратилади. Келгуси ўқув йилинда камиди мингта мактаб шу тизимга ўтказилади.

Дарсларнинг мазмуни ҳам ўзгаради. 1-синфдан компютер саводхонлиги, юқори синфларда молиявий саводхонлик дарслари жорий этилади.

Энг муҳими, ўқув дастурига қўшимча янги фанларни киритиш таққилланади. Энди барча янги тақлифлар мавжуд фанларга интеграция қилиниб тайёрланади.

Президент ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларга муносиб шарoит яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Унга қўра, ўқитувчиларни ишга қабул қилиш, уларнинг малакасини ошириш ва тоифа бериш тизими тўлиқ ўзгартирилади. Жумладан, ўқитувчиликқа қабул қилиш танлов асосида бўлади. Илк бор келган номзодларга 1 йил ўқитувчи-стажёр бўлиб ишлаш ва ил яқуни билан касбий сертификат олиш талаби қўйилади. Кейинчалик бу тизим барча ўқитувчилар учун босқичма-босқич жорий қилинади.

Ўқитувчилар малакасини ҳам табақалашган ҳолда оширилади. Яъни малака оширишдан олдин ўқитувчининг билими “диагностикадан ўтказилди” ва натижасига қўра индивидуал касбий ривожланиш йўналишлари белгиланади. Паст натижа олганлар бўйича ўзи ўқиган олийгоҳга рекламация юборилади. Яъни бу педагогик олийгоҳлар фаолияти учун ҳам баҳо бўлади.

Шу боис, ҳудудий малака ошириш марказлари фаолиятини танқидий ўрганиш, уларни таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича топшириқ берилди.

Муаллимларга малака тоифасини бериш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда педагогнинг билими дастлабки имтиҳонда баҳоланади, 70 фойздан кўп балл тўплаганлар иккинчи босқичга ўтади. Иккинчи босқичда илгор педагогик технологияларни қўллаш, ўқувчилар билан ишлаш методикаси ва баҳолашдаги ёндашувлари текширилади.

Мактабга ва мактаб таълими вазирлигига ушбу тажрибани ўқитувчиларнинг билим даражаси паст бўлган 20 та туманда синовдан ўтказиш вазифаси қўйилди.

Педагогика йўналишидаги олий ўқув юртлирини алоҳида ёндашув асосида ривожлантириш бўйича кўрсатма берилди. Шунингдек, Тошкент ва Чирчидаги Педагогика университетларида мутахассислар Президент мактаби дастури асосида тайёрланади. Бу муассасалар педагогика йўналишидаги институтлар учун “таянч олийгоҳ” бўлади.

Келгуси ўқув йилидан кадрлар етишмайдиган, оғир мактаблар олдиндан танланиб, улар учун мақсадли давлат буюртмаси жорий қилинади.

Мактаб таълимида бошқарув тизими ҳам ўзгартирилади. Энди директорликка номзодлар фақат сертификати бор ва захирага киритилган кадрлар орасидан танланади ва мuddатли шартнома асосида ишга олинади. Директорлар ва унинг ўринбосарлари ҳар беш йилда бир марта сертификациядан ўтади.

Соҳадаги яна бир долзарб масала — ўқувчи ўрнини кўпайтириш. Келгуси йилда Инвестиция дастури доирасида мактаб қурилишига 3 триллион сўм ажратилиши назарда тутилган. Бунинг ҳисобида 150 миң янги ўқувчи ўрни яратилади.

Кам қувватда ишлаётган 61 та коллеж биносида мактаблар ташкил қилинади. Хусусий шериклик асосида 50 та мактаб қурилади.

Хусусий секторга қўшимча шарoитлар яратиш орқали йилгича камиди 25 миң ўқувчи ўрни очилади. Бунинг учун тадбиркорларга хусусий мактаб ташкил қилишга кредитнинг 7 фойз қисми бюджетдан қўллаб берилади. Янги мактаб қуриш учун ер майдонлари мақсадли ақцияга чиқарилади.

Умуман, бу ишлар орқали келгуси йилнинг ўзида 250 миң ёки ўтган йилга нисбатан 2 қарра кўп ўқувчи ўрни яратилиши таъқидланади.

Мутасаддиларга ушбу чора-тадбирларни молиялаштириш, мактаблар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ А.САКСАНОВНИ “МЕҲНАТ ШУҲРАТИ” ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида ўзининг ташаббусларлиги, билим ва тажрибасини яққол намоён этиб, тадбиркорлик соҳасида кўплаб истиқболли лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириб келаётгани, ижтимоий масалаларни ҳал этишда жонбозлиқ кўрсатаётгани, хусусан, мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни воғға етказиш ишларидаги катта хизматлари, ёшларни она Ватанга муҳаббат ва

садоқат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасида алоҳида ибрат ва намуна бўлаётгани, шунингдек, жамиятда ўзаро кўмак, сажовват ва меҳр-оқибатни кучайтиришга қаратилган эзгу ҳаракатлардаги фаол иштироки учун Навоий вилояти Навбахор туманидаги “Саксанов” масъулияти чекланган жамияти ижрочи директори Саксанов Абдиқарим Юлдашович “Меҳнат шўҳрати” ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2023 йил 28 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ М.СУЛТАНОВАГА “ЎЗБЕК ИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ” ФАХРИЙ УНВОНINI БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Халқ таълими соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш, ўқув-тарбия жараёнига илгор хорижий тажрибалар, инновацион педагогик технологияларни жорий этиш ишларида қўшган муносиб ҳиссаси, ёш авлодининг билим ва сажовхиятини юксалтириш, улар қалбида илм-фан ва билимга интилиш, меҳнатсеварлик ва баргиреклиги кўникмаларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, фарзандларимизни

эзгу гоялар, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун Наманган вилояти Қосонсой туманидаги 9-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати директори Султанова Мамуражон Раҳмановнага “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими” фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2023 йил 28 август

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1050 ЙИЛЛИГИ БИР ҚИЁТ ФАРЗАНДИГА ТАЪЗИМДА БЎЛДИ ЖАҲОН

Абу Райхон Берунийнинг номи ва жаҳон илми тарихида эгаллаган ўрни ўз давридаёқ маълум ва машҳур эди. Илму фанда беқиёс из қолдирган буюк аждодимиз меросини чуқур ўрганиш мақсадида Президентимиз 2022 йил 25 августда буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу тадбир ЮНЕСКО Бош конференцияси қарори билан 2022-2023 йилларда нишонланадиган халқаро юбилейлар рўйхатига киритилган.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ ИҚЛИМИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШ ЯҚИН ЙИЛЛАРДА ИҚТИСОДИЁТНИНГ КАТТА ҚИСМИНИ ЭГАЛЛАЙДИ

Табиат инжиқликлари доим бўлиб келган. Аммо иқлим ўзгаришларининг сайёрамизга таъсири, экологик муҳитнинг издан чиқishi ва салбий оқибатлари борасидаги ваҳимали башоратлар аллақачон реалликка айланиб бормоқда. Биргина тоза ичимлик сув муаммосини олайлик. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳисоботига қўра, Ер юзи аҳолисининг деярли ярми тоза ичимлик сув, санитария ва гигиена воситаларидан етарли даражада фойдаланиш имкониятига эга эмас. Ушбу неъмат таққиллиги ҳар йили камиди 1,4 миллион кишининг вафотига сабаб бўлмоқда.

Бу аянчи ва фалокати ҳодисалар инсон омили таъсири ва тартибсиз турмуш тарзи миқёсида юзага келаётди. Энди дунё давлатлари оқибатларни юмшатиш, аникрои, иқлим ўзгаришларига мослашишга интиляпти. Бу жараёнинг асосий қисмиридан бири эса иқлимий молиялаштириш масаласидир. Охириги йилларда кўпроқ муҳокама қилинаётган ва долзарблиги яққол кўзга ташланаётган ушбу ҳаракат ақин ун иили ичиди иқ-

МУШОҲАДА ТАДБИРКОРЛИҚДА КИЧИК МАҚСАДЛАРДАН КАТТА РЕЖАЛАРГА ЎТАДИГАН ДАВР КЕЛДИ

Жаҳон банки маълумотига қўра, Ўзбекистон 2017 йилда рақобатбардош ва инклизув бозор иқтисодиётини барпо этиш бўйича муҳим ислохотлар жараёнини бошлади. Асосий ислохотлар валюта курсини либераллаштириш, импорт тарифларини псайитириш, танланган товар ва хизматлар нархини эркинлаштириш, монополияга қарши қўмита ташкил этишдан иборат бўлди. Ушбу дастлабки саъй-ҳаракатлар хусусий секторни ривожлантириш, кўпроқ ва яхши иш ўринлари яратиш йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади.

Мамлакатимизда тадбиркорликни, айниқса, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, фаолиятида келиб чиқаётган муаммо ва тўсиқларни бартараф этиш бўйича комплекс чоралар қуриляпти. Бунда Ўзбекистон Президентининг тадбиркорлар билан ањаънавий очиқ мулоқоти ўзига хос ўринга эга.

Мулоқот давомида қатор ташаббуслар илгари сурилдики, булар тадбиркорлик ривож ва давлатимиз раҳбарига муҳим аҳамиятга эга. Улар кичик бизнесга янги имкониятлар эшигини очди, ўрта бизнесни ривожлантиришга хисса қўшди, янги бозорлар сифатли ва рақобатбардош махсулотлар билан кириш имкониятини оширади, юқори даромадли корхоналар кўпайишига кўмак беради. Солик



маъмуриятчилигини соддалаштириш ва бюрократияни йўқ қилишга доир ташаббуслар эса тадбиркорларга янги марраларни забт этиши учун замин яратади.

Ањаънавий очиқ мулоқот уч йилдан буён ўтказиб келиняпти. Бу даврда нафақат давлатимиз, балки дунё ҳамжамяти ҳам пандемия ва геосиёсий вазият туйфайли глобал муаммолар, иқтисодий ноаниқликлар гирдобида ҳаёт кечирди. Дунё ҳамжамятининг охириги уч йилдаги ҳаётга халқаро майдонда бўлаётган ўзгаришлар кучли таъсир қилиб, мамла-

катлар иқтисодиётига, жумладан, миллий иқтисодиётимизга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Юзага келган вазиятда Ўзбекистонда оқиб бориладиган ислохотлар ва стратегик мақсадларнинг амалий ижроси миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаб, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечирishiга замин яратади.

Халқаро ҳаётдаги ўзгаришларни, биринчи навбатда, тадбиркорлар ҳис қилади, десак асло муболага эмас. Чунки глобал даражада содир бўлаётган турли зиддиятлар туйфайли логистика ва

ЎЗА

Давоми 3-бетда

Давоми 4-бетда

МУШОҲАДА

ТАДБИРКОРЛИКДА КИЧИК МАҚСАДЛАРДАН КАТТА РЕЖАЛАРГА ЎТАДИГАН ДАВР КЕЛДИ



Нодир ЖУМАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Раиси, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси

ҳамда давлат томонидан молиявий ресурс йўналтирилади. Бу тадбиркорлар учун улкан рағбат бўлиб, ташаббусларини амалга ошириш учун кенг майдон яратди.

73 та ҳужжат талаб қилиш амалиёти бекор қилинди

Ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, эскирган, замон талабларига мос келмайдиган тартиб-таомилларни такомиллаштириш борасида изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бунинг натижасида давлат хизматларини кўрсатишнинг умумий муддати деярли 787 кундан 471 кунгача қисқартирилди, тадбиркорлик соҳасида 132 та лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомили бекор қилинди. Давлат хизматларидан экстерриториаллик тамойили бўйича фойдаланиш тартиби жорий этилди, давлат идоралари томонидан фуқаролар ва тадбиркорлардан жами 73 та ҳужжат ҳамда маълумотномани талаб қилиш амалиётига чек қўйилди.

Аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтишини таъминлаш мақсадида 2017 йилда ҳар бир туман (шаҳар)да давлат хизматлари марказлари ташкил этилди. Мазкур тизим ислоҳ қилиниши натижасида мавжуд 750 дан ортиқ давлат хизматида 172 таси марказлар, 308 таси эса Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда "Лицензия" ахборот тизими орқали интерактив шаклда кўрсатилиши йўлга қўйилди.

Бугунги кунга қадар 207 та марказ ҳамда уларнинг 141 та филиали орқали жисмоний ва юридик шахсларга жами 32 миллиондан ортиқ хизмат кўрсатилди. Марказлар орқали давлат хизматлари кўрсатиш жорий этиш натижасида 200 дан ортиқ тартиб-таомил қайта кўриб чиқилиб, соддалаштирилди.

Мазкур йўналишларда олиб борилган ишлар лицензиялаш ва рухсат бериш тизимини либераллаштириш ҳамда институционал ислоҳ қилишнинг янги босқичини бошлаш учун мустаҳкам асос яратди.

Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида "Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат билан 50 та лицензия, 124 та рухсат бериш ҳужжати ҳамда 34 та хабарноманинг яқини рўйхатлари тасдиқланди.

Эндиликда унда назарда тутилмаган янги тартиб-таомиллар турларини жорий этиш тақдирланади. Яъни амалга оширилиши учун лицензия, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат ва ваколатли органи хабардор қилиш талаб этиладиган фаолият турлари рўйхати қонун билан тасдиқланади ҳамда тегишли қонун қабул қилингандан сўнг ушбу рўйхатларга киритилмаган фаолият ўқи ҳаракатини амалга ошириш учун жисмоний ва юридик шахслардан мазмурий тартиб-таомиллардан ўтишни талаб қилишга йўл қўйилмайд.

Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор этиш тартиб-таомилларидан ўтиш қатъий тартибда "Лицензия" ахборот тизими орқали электрон тарзда амалга оширилади. Илк бор ваколатли органи хабардор этиш орқали фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ мутлақо янги механизм жорий этилди. Бунда жисмоний ва юридик шахслар хабарнома юбориш орқали хабардор қилиш тартиби жорий этилган фаолият ўқи ҳаракатини амалга ошириш учун қонун ҳужжатларида белги-ланган талаб ва шартларга мувофиқ экани тасдиқланади.

фаолиятни бошлаш ўқи ҳаракатини амалга ошириш учун ваколатли орган томонидан қарор қабул қилиниши талаб этилмайдиган, бироқ давлат томонидан тартибга солиниши ҳамда тегишли фаолият билан шуғулланаётган субъектларнинг ҳисобини юритиш таъминлаш учун қонун ҳужжатларида белги-ланган талаб ва шартларга риоя этиш мажбуриятини ўз зиммасига олиш орқали амалга ошириладиган фаолият турлари кирди.

Тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият берилиб, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан тадбиркорлик субъектларининг 46 мингдан зиёд лойиҳасига 15 триллион сўмдан ортиқ миқдорда молиявий ёрдам кўрсатилди. Тадбиркорликни ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш ва бизнесни юритиш учун қўлай муҳит яратиш, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш соҳасида кенг қўламли ишлар бажарилди. Жумладан, солиқ тизими тубдан ислоҳ қилинди, рухсат бериш ҳужжатларини олиш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилди, тадбиркорлик субъектларининг молиявий-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширишлар бекор бўлди.

Солиқ амнистияси амалиёти қандай самара берди?

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қарзларни ҳисобдан чиқаришда солиқ амнистияси амалиёти қўлланилди. Коронавирус пандемияси даврида туризм, транспорт, фармацевтика ва тўқимачилик соҳаси каби тармоқларни қўллаб-қувватлаш ва барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Мисол учун, туристик (техмохона) йиғини ҳисоблаш ва тўлаш, ташқи савдо операциялари бўйича мuddати ўтган дебитор қарздорлик учун ҳўжалик юритуви субъектларга жарималар қўллаш тўхтатилди.



Тадбиркорлик субъектларига нисбатан асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар етказиб бериш бўйича импорт шартномалари юзасидан мuddати ўтган дебитор қарздорлик учун, агар мазкур буюмларни етказиб бериш мuddати уларнинг техник хусусиятлари ва ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда 180 кундан ортиқ бўлса, молиявий жазо чоралари қўлланилмаслиги белгиланди.

Тадбиркорлик фаолиятининг чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, узумчилик, озиқ-овқат ва доривор ўсимликлар йўналишларини ривожлантириш учун қўшимча имтиёз ва преференциялар берилди. Жумладан, фаолият тури паррандачилик бўлган тадбиркорлик субъектлари ва доривор ўсимликлар ишлаб чиқарувчилар учун фойда солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи учун солиқ ставкаси 50 фоиз миқдорда қўлланилиши белгиланди. Чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, узумчилик,

ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида эркин муомалага киритиш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Янги-ланган Бош қонунимизда ҳам мулк ҳуқуқини ҳимоялашга қаратилган ҳаётий нормалар ўрин олди.

2018 йилдан бошлаб тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини электрон аукцион орқали сотиб олиш тартиби жорий қилиниб, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида фақат муайян ҳолатларда тўғридан-тўғри ер ажратиш ваколати қолдирилди. Бунда ер участкаларини аукционга чиқаришнинг мақсада мувофиқлиги масаласида маъсул идоралар билан келишиш жараёни ҳам тўлиқ "Yerelektron" автоматлаштирилган ахборот тизими орқали амалга оширилиши йўлга қўйилди.

2021 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса барча учун тенг, шаффоф ва бозор таомиллари асосланган шароитни жорий этиш мақсадида ҳокимларнинг тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкасини ажратиш бўйича ваколатлари тўлиқ бекор қилиниб, барча ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини олиш масаласи фақатгина электрон аукцион орқали амалга ошириш тартиби жорий этилди.

2022 йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари томонидан ўзига ажратилган ер участкаларини хусусийлаштириш ҳуқуқи берилди, шунингдек, ер участкаларига нисбатан мулк ҳуқуқини электрон аукцион орқали сотиб олиш имконияти тақдим этилди.

Тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаоллиги ошиши, солиқ маъмуриятчилигида янги инструментлар жорий этилиши ва ҳуфиза иқтисодиётга қарши курашиш натижасида 2021 йилда солиқ турлари бўйича ҳам сезиларли равишда ўсиш кузатилиб, фойда, қўшилган қиймат солиғи солиқ тушумлари 2020 йилдагига нисбатан 1,3 баравар, норузда қазималардан солиқ ва сув солиғи тушуми 1,4 баравар, ер солиғи тушуми 1,7 баравар ошди.

Яширин иш ўринларини легаллаштиришга қаратилган тадбирлар натижасида даромад солиғи тўловчи жисмоний шахслар сони 502 мингга қўлайи ҳамда ўзини ўзи иш билан банд қилиш тизими орқали рўйхатга олинганлар сони 1,2 миллионни ташкил этди.

Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида 6,5 минг хотин-қизга Давлат мақсадли жамғармаси томонидан 100 миллиард 341 миллион сўм кредит ресурси маблағлари ажратилди. Шу билан бирга, 2021 йилнинг ўзида "Аёллар дафтари"га киритилган тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида йил давомида 96 873 хотин-қизга 1 триллион 197 миллиард сўм кредит берилди. 6,5 минг хотин-қизга Давлат мақсадли жамғармаси томонидан 100 миллиард 341 миллион сўм миқдорда кредит тақдим этилди.

2022 йил якунлари бўйича эса 90 мингта юридик ва 96 мингта яқка тартибдаги тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилди. Тижорат банклари томонидан ҳўждлардаги хизмат кўрсатиш соҳасидаги 54,9 мингдан зиёд тадбиркорга 41,9 триллион сўм кредит ажратилди.

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг янги ички махсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш чоралари кўрилди.

2022 йилдаги очик мулоқотда белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича бандлигини таъминлаш орқали 121 минг 731 ёшга 2 триллион 894 миллиард сўм кредит ажратилди.

Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш исти-тагида бўлган 103 мингдан зиёд хотин-қиз тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилиб, улар томонидан 200 951 та янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, 233 мингдан зиёд хотин-қизга оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида жами 4,7 триллион сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Умуман олганда, тадбиркорликни, айниқса, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, фаолиятида келиб чиқаётган муаммо ва тўсиқларни бартараф этиш бўйича комплекс чоралар кўрилмоқда. Натижада ўтган бир йилда бизнес учун мўлжалланган 55 мингдан ортиқ бино барпо этилди, пул айланмасини 1 миллион доллардан оширган тадбиркорлар сони 5 мингга қўлайиб, 26 мингта ташкил этиди, экспорт қилувчи корхоналар сони 7,5 мингга етиб, жами экспорт ҳажми 30 фоиз қўлайди.

"20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис" дастури амалга оширилади

2023 йил 12 июнь кўни Ўзбекистон Президентининг "Камбағаллиқни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатилган қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони эълон қилинди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатга асосан, "20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис" дастури амалга оширилади. 2023-2024 йилларда дастури амалга ошириш учун жами 1 миллиард АҚШ доллари миқдорда кредит ажратилади. Бунда дастурга киритилган тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштириш учун 2023 йилда Тикланиш ва тарақиёт жамғармасидан тижорат банкларига 100 миллион АҚШ доллари эквивалентида кредит линияси очилади.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун қўзда тутилган маблағлар ҳисобидан 1 триллион сўм йўналтирилади. Халқаро молия ташкилотларидан 200 миллион АҚШ доллари миқдорда кредит жалб қилинади. Кредит линияси маблағлари тижорат банкларига 10 йил мuddатга, шу жумладан, 3 йиллик имтиёзли давр билан 10 фоиз ставкада берилади.

Мазкур жараёнда қатор имтиёз ва преференциялар қўлланилади. Жумладан, тадбиркорлар томонидан "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га киритилган фуқаролар ишга қабул қилингандан 2025 йил 1 январьга қадар, тадбиркорлар ушбу фуқароларга камидан бир йил давомида ҳар ой меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 1 баравари даражасидан кам бўлмаган иш ҳақи тўлаб, бандлигини таъминлаган ва улар жами ишчилар сонининг камидан 20 фоизини ташкил этганда, мол-мулк ва ер солиқларидан имтиёз берилади.

Шунингдек, фуқаролар ишга қабул қилингандан ҳамда ҳар бир ой учун иш ҳақи миқдори меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам даражасининг 1 бараваридан кам бўлмаган миқдорда ҳисобланганда, оилак иш ҳақи бўйича тўланган жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи республика бюджетидан иш бериувчига (ҳар бир ишчи учун БҲМнинг 2 бараварига) қайтариб берилади ҳамда уларга ижтимоий солиқ ставкаси 50 фоиз қайтариб берилган ҳолда қўлланилади. Тадбиркорларга айрим турдаги солиқлар ҳамда божхона тўловларини таъминоти эвазига бу йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилади. Бундан ташқари, тадбиркорлар давлат мулки бўлган кўчмас мулк объектлари ва ерга бўлган ҳуқуқларни аукцион орқали сотиб олганда, тўловларни 5 йилгача бўлиб-бўлиб тўлаши мумкин бўлади.

Шу ўринда солиқ ва божхона маъмуриятчилигини соддалаштириш борасида белгиланган устувор вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратиб ўтиш лозим. Белгилаб қўйилдики, қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплаш (қайтариш), шунингдек, барча солиқ турлари бўйича мавжуд ортиқча тўлов суммасини қайтариш бир кун мuddатда тезлаштирилган тартибда амалга оширилади. Шу билан бирга, товарлар импортида ва товарлар ўқи хизматлар реализациясида тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаларини божхона ва солиқ органларининг ҳисоб тизимларида ўзаро ҳисобга олиш имконияти берилади. Энг эътиборлиси, божхона назоратини амалга оширишда "яшил йўлак" қондалари амал қилади.

Қўрилаётган ушбу чора-тадбирлар ҳўдудларнинг йўл-транспорт, электр, алоқа ва туризм инфратузилмасини яхшилаш ҳамда кичик ва ўрта шаҳарларни ривожлантириш, маҳаллаларни сановатлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантиришга хизмат қилиши билан бирга, аҳолининг бандлигини ҳамда доимий даромад манбаига эга бўлишида ҳам муҳим омилдир. Бу занжирнинг бир бутун бўлиши иқтисодий ўсишни таъминлайди. Иқтисодий ўсиш, ўз навбатида, фаровонлик олиб келади.

Ҳамжиҳатликда амалга оширилаётган ислохотлар мавжуд қийинчиликларга қарамай, ўз самарасини бериб келяпти. Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши янги иш ўринларини ташкил қилиш, фуқароларнинг даромадлари ва фаровон яшашини таъминлашга алоҳида хисса қўшмоқда. Мазкур жараёнларнинг муваффақиятли ва юқори самарали бўлишида ислохотлар стратегиясининг аниқ ва изчил амалга оширилгани мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бошланиши 1-бетда

Тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашув ва текширишлар сони кескин қисқарди

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида йирик корхоналар сони камайиб, кичик корхоналар сони кескин ўсди. Чунки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бозор иқтисодиёти талабларига тезда мослашиб, инновацияларни ўзлаштиришда илғордир. Бозор динамикаси ва ўзгаришларига бу тахлит мослашиб тадбиркорликнинг ривожланишига катта хисса қўшмоқда.

Сўнги йилларда кичик бизнеснинг ўсиши мамлакатимиз янги ички махсулотидан ҳам ўз аксини тоپляпти. Шу боис, ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратиляпти. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг маҳаллий эҳтиёжларни тўлиқ қоплаш, махсулотларни экспорт қилишдаги аҳамияти ҳисобга олиниб, мазкур секторни ривожлантириш бўйича стратегия ҳамда йўл хариталари ишлаб чиқилиб, изчил амалга ошириляпти. Бу жараёнларнинг барчаси иқтисодиётни жадал ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор бўлади.

Бугунги кунда иқтисодий-ижтимоий соҳани ислоҳ этиш, эркин тадбиркорлик фаолиятини қарор топтириш борасидаги ислохотлар мантиқий изчилликда амалга ошириб келинаётир. Жумладан, тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида барча зарур ташкилий ва ҳуқуқий механизмлар яратилди. Ислохотлар ва чора-тадбирлар натижасида бизнес муҳити яхшиланиб, тадбиркорлик фаолияти иқтисодий тарақиётимизни таъминлашда муҳим аҳамият касб этляпти.

Сўнги опти йилда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ҳамда ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида жами 3087 та ҳуқуқий ҳужжат, жумладан, 153 та қонун қабул қилинди. Қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари, қарорлари ҳамда ҳўкумат қарорлари асосида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишининг хабардор қилиш тартиби жорий этилди. Уларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини фақат солиқ идоралари текшириши мумкинлиги ва тадбиркорларга нисбатан ҳар қандай санкция суд қарорига биноан қўлланилиши, ҳисобот тақдим этишининг барча шакл ва турлари, тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашув ва текширишлар сони кескин қисқартирилди.

Хусусан, 2017 йилнинг 1 январидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текширишлар, жумладан, жиноят ишлари доирасидаги муқоаб текширишларнинг барча турлари бекор қилинди. Тадбиркорлар фаолиятидаги текширувлар ўтказишга мораторий белгилаш амалиёти жорий этилди.

2018 йил 1 сентябрдан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган режали ва назорат тартибдаги текширувлар бекор қилиниб, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида қонун бузилиши ҳақидаги жисмоний ва юридик шахсларнинг мууроаатлари ҳамда "ҳавфни тахлил этиш" тизими асосида текширувлар ўтказиш тартиби белгиланди. Текширувлар ўтказишга қонунбузилишларга йўл қўйилишининг олдини олиш бўйича профилактика тадбирлари белгиланган тартибда ўтказилгандан сўнг рухсат берилиши қайд этилиб, давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг 16 та назорат функцияси бекор қилинди.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Автоматлаштирилган электрон тизим орқали қонун ҳужжатларида белгиланган талаб ва шартларга мувофиқлиги ҳўжжатларни тақдим этиш жараёнида устувор равишда инсон аралашувсиз текширувдан ўтказилади. Хабардор қилиш тартибидан амалга ошириладиган фаолият жумласига

мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлашдан озод қилинди.

Микрофирма ва кичик корхоналарга ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизгача, турсоператорлар, турагентлар, шунингдек, жойлаштириш воситалари учун фойда солиғи ставкаси 50 фоиз қайтарилди.

